



Аллоҳ таоло Жумъа сурасининг 9-оятида шундай дейди:

**«Эй мұмилар, қачон жумъа кунидаги намозга чорланса (яғни азон айтиса) дархол Аллоҳнинг зикрига боринглар ва олди-соттини тарк қилинглар. Агар биладиган бўлсангиз, мана шу (Аллоҳнинг зикрига, жумъа намозини ўқишига шошилиш) ўзларингиз учун яхшироқдир».**

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ким жумъа куни жанобатдан қилинадиган ғусл каби ғусл қилса, сўнг (масжидга) борса, гўё бир тую қурбонлик қилгандек, иккинчи соатда келган киши сигир қурбонлик қилгандек, учинчи соатда келган киши шоҳдор қўчқор қурбонлик қилгандек, тўртинчи соатда келган киши товуқ қурбонлик қилгандек, бешинчи соатда келган киши бир тухум



## Ислом Нури

қурбонлик қылғандек (ажрга әга) бўлади. Имом (хутба учун минбарга) чиққанида малоикалар зикрга қулоқ солиш учун ҳозир бўладилар.»

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Ибн Умар розияллоху анхумо шундай деди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамлар жумъя намозига келмасликларини тұхтатадилар ёки Аллоҳ уларнинг қалбларини муҳрлаб қўяди, сўнгра улар ғофиллардан бўлиб қолишади», дедилар.

Шарх:

Жумъа намозига эртароқ бориш жумъанинг суннат ва одобларидан. Аллоҳ таоло жумъа намозига аzon айтилгач, унга шошилишга буюриб, жумъага эрта борганларга катта савобларни ваъда қилди. Жумъага кечикиб боришга одатланиш гоҳо жумъани тарк қилишга ҳам олиб боради. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жумъага бормаётганларни қаттиқ огоҳлантирганлар, чунки бунинг оқибати жуда ёмон бўлиб, яхшиликка ҳечам ета олмайдиган қилиб, қалбига муҳр уриб қўйилади.

### **Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Жумъага эрта боришга буюрилганмиз.
  2. Жумъага эрта боришнинг фазли улуғдир.
  3. Жумъага бормаганларнинг оқибати ёмон бўлиб, қалбига хатм



урилишига сабаб бўлади.